



## КИМЁ СANOАТИДАГИ НАТИЖАЛАР ВА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 сентябрь куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Ислохотлар натижасида кимё саноатида маҳсулот тури кўпайиб, рентабеллик ошди. Жорий йилнинг 8 ойида 1 миллион тоннадан зиёд минерал ўғит ишлаб чиқарилди. Экспорт қарийб 2 баравар кўпайиб, 330 миллион долларга етди.

Яна бир муҳим жиҳати, соҳага инвесторларнинг ишончи ортиб, сармоя киритишни бошлади. Жумладан, бугунги кунда хусусий сектор кимё тармоғида 2 миллиард долларлик 15 та лойиҳани амалга оширмоқда. Уларнинг 5 таси яқинда ишга тушди.

Шу билан бирга, соҳани юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоққа айлантириш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўп. Корхоналарни хомашё билан таъминлаш ва технологик янгилаш, кимё кластерлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарур.

Тақдиротда шу борада бажарилган ишлар ва йил якунигача кутилаётган натижалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги келгуси вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятларидаги йирик корхоналар негизидан 4 та кимё кластери ташкил этилмоқда. Улар хомашёдан

тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқарадиган бўлади. Ҳозирда 1,8 миллиард долларлик 14 та лойиҳа амалга оширилмоқда ва 5,6 миллиард долларлик яна 29 та лойиҳа режалаштирилган.

Президентимиз ушбу кластерлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун лойиҳа офиси тузиш, бўш турган майдонларни лотларга ажратиш, хусусий инвесторларни жалб этиш кераклигини айтди.

Кимё заводларида илгор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш, улардаги давлат улушини хусусийлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда қишлоқ ҳўжалигини минерал ўғит билан узлуksиз таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бозорда ҳамisha талаб бўлган яна бир йўналиш — маиший кимё воситалари. Ҳозирча бу талабнинг катта қисми импорт ҳисобидан қопланмоқда. Маҳаллий маҳсулотларнинг ўрнини ошириш учун хомашё ва сифат керак. Шу боис, бу йўналишда хусусий секторга кенг ўрин бериб, уларни хомашё билан таъминлаш, халқаро брендларни олиб келиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## 1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ НЕГА БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙИЛДИ?

Ёш авлод таълим-тарбияси, истиқболи билан боғлиқ ҳар қандай масала бугун жамиятнинг қизиқтиради. Зеро, фарзанди келажаги, оиласи фаровонлигини ўйлаган ота-она ўғил-қизини баркамол вояга етказиш ташвиши билан яшайди. Бу Ватани ҳурлиги ва тараққиёти, халқининг фаровонлиги ҳамда истиқболлини кўзлаган ҳар бир давлат ва жамиятнинг ҳам олий мақсади.



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Тараққиёт стратегияси доирасида 2026 йилгача

бажариладиган 5 та асосий вазифанинг энг биринчиси таълим тизimini бўлишини таъкидлади.

КОМИЛ ИНСОН ғояси қадимдан нафақат халқимиз, балки тараққиётга

интилган барча жамиятларни ҳаракатлантирувчи куч бўлган. Бунда бирдамлик, ҳамфикрлик, адолат ва шайфлик, ҳатто дўстона рақобат каби кўплаб омиллар зарур. Ҳўш, бу борада

Халқ таълими вазирлиги олдида қандай вазифалар турибди? **Халқ таълими вазири Бахтиёр САИДОВ** билан суҳбатимиз шу ва соҳага тааллуқли бошқа муҳим масалалар хусусида бўлди.

— Миллий мустақиллик, халқнинг ҳурлиги — энг улўғ неъмат. Унинг қадрига етиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш асосий бурчимиз! Ана шу тушунчани халқимиз, айниқса, бугун мактаб партасида камол топаётган ўқувчиларимиз теран англаб олишини истардим.

Ёш авлоднинг баркамол вояга етказиш давлат ва жамиятимиз олдидаги энг устувор вазифа. Бугун дунё шиддат билан ривожланмоқда, илм-фан, техника доимий такомиллашиб бормоқда. Тараққиётдан ортда қолиш мамлакат истиқболи, халқ эркинлигига ҳам рахна солиши табиий.

Давоми 3-бетда

## МУНОСАБАТ

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

### У қанчалик самарали бўлади?

Шу йилнинг биринчи ноябридан бошлаб назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича ўтказиладиган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олинади. Мазкур тартибга риоя этилмаган барча ҳолатларда текширувлар ноқонуний ҳисобланади. Президентимизнинг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бу борада тегишли вазифалар белгиланди.

Давоми 2-бетда

## МАҲАЛЛА ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

# ЯНГИЛЕНИШ ИСТАГИ ҳудудлар ободлиги, халқ турмушида намоён бўлмоқда

Юрт ўзгарапти. Ҳар қарич ер ободликка юз тутяпти. Қўримсиз бинолар ўрнида баланд-баланд иморатлар қад ростлаяпти. Асфальт қўрмаган кўчалар равон йўللarga айланаёттир. Одамлар ўзгарапти. Кеча “бўлаверди”, “менинг фикрим кимга қизиқ”, “ўқиб шаҳар олиб берармидинг”, “машина олиш — етиб бўлмас орзу”, “чўнтагида бирор сўми йўқ киши қандай қилиб тадбиркор бўлсин” каби фикрлар ўрнини бугун “юрт тақдири — менинг тақдирим”, “келажакни ўзимиз яратамиз”, “демак, ҳаракат қилсам — эришаман”, “нажот — билимда”, “тадбиркор бўлмоқчимисан, мана, давлат кўмаги”, “Президент шундай деган” қабилидаги тоза тушунчалар эгаллади.

Давоми 4-бетда



## ИННОВАЦИЯ

Сунъий интеллект орқали бошқарув ривожланаётган айна бир даврда мушкул ишнинг ўзи қолмади, ҳисоб. Инсонлар томонидан узок вақт давомида бажариладиган юмушларни сунъий интеллект бир неча сонияда урдалаши мумкин. Замон шиддати кўплаб соҳалардаги вазифаларни “бошқариладиган темир механизм”га топширмоқда.

## ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ЯРАТГАН РОБОТ ҚЎЛ у бош мия сигнали асосида ҳаракатга келади

Банк ҳисоб ишлари дейсизми, харидларни ўн баробар тезроқ амалга ошириш дейсизми, барчасини робототехника бажаради. Ақлли технологиялар янги дори-дармонларни ишлаб чиқиши, фонд бозорига сармоя киритиши ҳам мумкин. Аниқ мақсадга эришиш учун энг яхши имкониятга эга бўлган ҳаракатларни баҳолаб, амалга ошириш қобилиятига эга бўлган мана шундай технологияларни яратишда бугун юртимиз ёшлари фаол.

Автоматлаштирилган технология бозорида робототехникаларга талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Айниқса, инсоннинг ҳақиқий аъзолари каби мия

орқали бошқариладиган сунъий қўл ва оёқ ногиронлар учун катта имконият яратиши билан аҳамиятли. Бухоролик ёш иختирочилар томонидан яратилган янги технология — робот қўл мушакларга бириктирилган сенсор орқали сигналларни олиб бошқарувчига юборади. Сўнгра рақамли сигналга айлантирилиб, инсоннинг ақлий қобилияти натижасида ҳаракатга келади.

Мазкур инновацион қурилманинг дунёда аналогий йўқ. Протез қўлнинг афзаллиги шундаки, датчик ёрдамида мушкуллар импульсини олиб, қўлга беради.

Давоми 5-бетда



## МУНОСАБАТ

## САМАРҚАНД ДЕКЛАРАЦИЯСИ – ШҲТ МАКОНИ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН МУҲИМ ҲУЖЖАТ



**Шуҳрат ГҲЙИБНАЗАРОВ, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг Тошкент шаҳридаги филиали директори ўринбосари, сиёсий фанлар доктори, профессор**

Унда амалий ҳамкорликни кенгайтириш, минтакавий барқарорликка эришиш, хавфсизлик ва иқтисодий йўналишларда, транспорт логистикаси бўйича ўзаро боғлиқликни ривожлантириш, маданий-гуманитар ҳаёдада мулоқотни фаоллаштириш масалалари ўз аксини топган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, саммитда ШҲТ фаолияти ва мақсад-муддolari янада очиқланди. Яъни ШҲТ турли блоклардан холи макомга эгаллиги, очиқлик, учинчи мамлакатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча иштирокчи томонларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилик ва ихтилофли рақибликка йўл қўймаслик принциплари қатъий айтилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бундай таъкидлади: “ШҲТ очиқлик ва блокларга қўшилмаслик тамойилларига қатъий содиқлиги туфайли иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаб, халқаро ҳамкорликни муваффақиятли тарзда чуқурлаштирмоқда. ШҲТ таркиби кенгайиб, шериклик муносабатларини ривожланиб бормоқда”. Фикримизча ҳам жаҳон сиёсатининг ҳозирги қалтис шароитида давлатимиз манфаатини ифодаловчи энг мақбул йўл шудир.

Самарқанд декларациясида Жаҳон савдо ташкилоти билан самарадор ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадлари кўзда тутилган. Бу ташкилотга аъзоликнинг қатор афзалликлари, имтиёзлари бор. Масалан, аъзо мамлакатлар ташкилотнинг бошқа аъзоларига савдода

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг йигирма иккинчи саммити юксак савияда ўтиб, кутилган мақсадларга тўлиқ эришилгани билан муваффақият қозонди. Жаҳоншумул сиёсий воқелик, дея эътироф этилаётган нуфузли тadbирнинг бош ҳужжати, шубҳасиз, Самарқанд декларацияси бўлди. Бу декларация аъзо давлатларнинг ташкилот келажаги йўлида минтакавий долзарб масалаларни биргаликда ҳал этишдаги ёндашувларини акс эттиради.

қулайлик бериш режимини (бож тарифларини пасайтириш) қўллаиди, ўз ички бозорини хорижий компаниялар учун очиқ қилиш мажбуриятини зиммасига олади.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни, айниқса, кейинги йилларда жадал фаоллашди, халқаро экспертлар ишчи гуруҳининг 2022 йил июнь ойида бўлиб ўтган 5-йигилишида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги юқори баҳоланди.

Самарқанд саммитида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, террорчиликнинг цивилизацияга, инсонлар хавфсизлигига, ижтимоий юксалишга таъсир қўлами тобора кенгайиб бормоқда. Шу боис, ШҲТ макони доирасида бундай хавф-хатарларга қарши ҳамжиҳатликда курашиш кун тартибига чиқди.

халқаро юридик мажбурият юклайдиган ҳужжат имзоланиши мақсадга мувофиқ.

Декларацияда аъзо давлатлар ядро қуролли тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага оғишмай амал қилиш тарафдори экани ўз ифодасини топди. Шунингдек, Афғонистонда барча этник, диний ва сиёсий гуруҳлар вакиллари иштирокида инклюзив ҳукумат тузиш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд декларациясида стартаплар ва инновациялар, камбағалликка қарши курашиш ва аънавий тиббиёт бўйича махсус гуруҳлар ташкил этишга келишилгани ҳам аҳамиятли бўлди. Бу, албатта, замонавий ишбилармонлик муҳитида ўзига хос янгича ёндашувларни талаб этади.

Саммитда, шунингдек, “ШҲТнинг эзгу ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги



Саммитда кимёвий қуроллар яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияга қатъий амал қилишга қақирилди. БМТнинг ушбу муаммога бағишланган конвенцияси 1993 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, деярли барча аъзо давлатлар томонидан тан олинди ратификация қилинган.

Самарқандда космосни қуролдан холи тутиш масаласи ҳам қўллаб-қувватланди. Ҳозир коинот кенгликлариде қуролланиш пойгаи кузатилмоқда. Шунинг учун бу муаммонинг олдини олишга қаратилган

низом тасдиқланди. Бундай унвонлар билан тақдирлаш БМТ ва унинг тараққиёт дастурлари ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЖСТ каби ташкилотлар амалиётида муваффақиятли қўлланмоқда. ШҲТга аъзо давлатларда ҳам шундай унвонга муносиб инсонлар кўп ва улар ўз салоҳиятини эзгу ишларга бағишлайди.

Ишончимиз комилки, Самарқанд декларациясининг мақсадлари нафақат минтақа ҳудудида, балки глобал дунёда ҳам мавжуд сиёсий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

## АГРОТАРМОҚ

## УЙЎҒУН ВА ЯХЛИТ ТИЗИМ

Мамлакатимизда аграр соҳани янада ислоҳ қилиш ва қишлоқ хўжалигида замонавий бошқарув усулларини жорий этишга қаратилаётган эътибор бугун ўз натижасини бермоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида кластер тизимининг татбиқ этилиши ерни шўдгорлашдан тортиб, экин экиш, парваришлаш ва хомашёдан тайёр махсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс тизимга асос солди. Айниқса, енгил саноат корхоналарининг хомашё етиштириш манбаи саналган деҳқон ва фермер хўжаликлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Бир неча йиллардан буён тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Ибодулла Алламуродов кластер тизими бўйича иш олиб боришга бел боғлади. 2021 йил март ойида “Қамаши текстиль” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, фаолиятини бошлади.

Албатта, янги тизимда иш олиб бориш осон эмас. Бунинг учун, аввало, маблағ, шарт-шароит ҳамда етарли имконият лозим бўлади. Илганиш ва интилиш бор жойда барчасига эришиш мумкин. Бошлаган ишини охиригача етказишга одатланган Ибодулла ака ўз маблағи ҳамда банк кредити асосида режаларини аста-секин амалга ошира бошлади.

Туман марказидан унча олисда бўлмаган эски бинони сотиб олиб, қайта таъмирлашга киришди. Қисқа вақтда янгича қиёфа касб этган иншоотда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2021 йилнинг июль ойига келиб, фермерлар билан пахта хомашёси етказиб бериш бўйича шартнома тузди.

— Бу йил 162 та фермер хўжалиги билан 3835 гектар пахта майдонига, 11 830 тонна ҳосилни сотиб олиш бўйича шартномалар тузганмиз, — дейди Ибодулла Алламуродов. — Ҳозирда даладарда терим авж паллага кирган. Асосий вақтимиз теримчилар ва фермерлар орасида ўтмоқда. Пахтани ўз вақтида териб олсак, каттагина даромадга эришамиз. Биз билан шартнома тузган фермерларимиз деярли ҳар кунни белгиланган режани ууддаламоқда. Бундай қизгин паллада уларнинг ёнида туриб, далада бериб турсак, иш унумдорлиги янада ортади.

Президентимизнинг тadbиркорлар билан учрашувида ҳам соҳа вакиллариغا яна кўп

қулайликлар берилди. Кўп йиллардан буён кийнаб келаётган тўсиқлар олиб ташланди. Солиқ борасида ҳам анчагина енгилликлар берилди. Парладан фақат унумли фойдаланиш керак.

## Уч юз нафар хотин-қиз иш билан таъминланди

Кластер раҳбари берган маълумотларга кўра, жорий йил мавсумда фермерлар томонидан етказиб бериладиган ўн бир минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси шу ердаги корхоналарда қайта ишланади. Чигитдан тозаланган пахтадан тола, ундан эса ип-калава ва мато ишлаб чиқарилади. Шунингдек, яқинда янги тикувчилик корхонаси бунёд этилиб, замонавий жиҳозланди. Эндигина фаолият бошлаган ушбу корхонада уч юз нафарга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда кийим-кечак, чойшаб, ёстиқ жилдлари каби ўндан ортиқ турдаги махсулотлар тайёрланмоқда. Қолаверса, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”да рўйхатга турувчилар ишга қабул қилинди. Бу эса кам таъминланган оилаларга даромад кириб боришига сабаб бўлмоқда.

— Яқинда ишга қабул қилиндим, — дейди Қамаши туманидаги “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Бахтинисо Хидирова. — “Аёллар дафтари”да рўйхатда турардим. Бир кун маҳалламиз ҳудудида янги тикув цехи қурилаётгани ҳақида айтиб қолишди. Рост, тезроқ ишга тушишни интиқлик билан кутгандим. Бугун шу ерда

ишлаб, даромад топяпман. Матодан безакли аёллар сумкаси тикяпмиз.

Цех раҳбари Норгул опа Ҳамидованинг таъкидлашича, асосан, хотин-қизлар бандлиги таъминланган бу корхонада улар учун барча шaroитлар яратилган. Жумладан, ошона, узоқдан ишга келиб-кетувчилар учун автобус ажратилган.

## Ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилади

“Қамаши текстиль” масъулияти чекланган жамияти кластер тизимида иш бошлаган дастлабки вақтлардаёқ ҳар бир маҳсулотни сифатли тарзда қайта ишлаб, даромад олиш мақсад қилинганди. Бу эса босқичма-босқич ўз самарасини бермоқда. Жумладан, ўтган йили пахта толаси шу ердаги заводларда қайта ишланиб, даромадга йўналтирилган бўлса, ундан чиққан чигит эса ишлатилмасдан қолиб кетарди. Тadbиркор ташаббуси билан Қамашида янги ёғмий заводи қурилиб, ишга туширилди.

— Ҳозирда деярли барча хомашё ўзимизда қайта ишланмоқда, — дейди И.Алламуродов. — Хусусан, биргина чигитни қайта ишлаш орқали заводимизда йилига 1620 тонна ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, ёғи олинган чигитлар омухта ем сифатида чорвачилик комплексимизга юборилаяпти. Келгусида кир совун ишлаб чиқаришни ҳам режалаштиряпмиз.

Юксак мақсадлар сари дадил иш олиб бораётган ушбу кластер жамоаси бу йил якунига қадар соф даромадни йигирма беш миллиард сўмдан оширишни режалаштирмоқда. Бунинг учун эса ҳозирданоқ жиддий ҳаракат бошланган. Жумладан, жорий йил кластер ўз махсулотларини экспортга йўналтирмоқчи. Россия ва Польшадаги ҳамкорлар билан аллақачон шартномалар имзоланди. Бу эса даромаднинг янада ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Акбар РАҲМОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИГА ЖАВОБАН ЖОРИЙ ЙИЛ 1 НОЯБРДАН ҲАР ҚАНДАЙ ТЕКШИРИШЛАР ФАҚАТ ВА ФАҚАТ БИЗНЕС-ОМБУДСМАНДА ЯНГИ ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, БАРЧА ТУРДАГИ ТЕКШИРУВЛАР БИЗНЕС-ОМБУДСМАН ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШINI БИЛДИРГАН ЭДИ.**

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ

## У қанчалик самарали бўлади?

**Мирафзал МИРАЛИМОВ,**  
Бизнес-омбудсман бош инспектори

▶ Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимизда тadbиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш йўлида соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизими яратилмоқда. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг тadbиркорлар билан очиқ мулоқоти йўлга қўйилгани ва ишбилармон доира вакиллари билан учрашувнинг аънавий тус олиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Зеро, тadbиркорлар билан самимий очиқ мулоқотлар улар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш, бизнес вакиллари билан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламининг кенгайишига хизмат қилаётгани билан янада қимматли бўлмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 август кунини бўлиб ўтган навбатдаги очиқ мулоқотида ҳам тadbиркорлар қўллаб масалалар қаторида текширишларни қисқартириш, жараёнларнинг шаффофлигини таъминлашга оид қатор таклифларни билдирган эди. Зеро, урганишлар мазкур таклифларнинг аксарияти асосли эканини тасдиқлайди. Хусусан, 2022 йилнинг 8 ойида назорат қилувчи органлар томонидан 330 та ноқонуний текшириш ўтказилган, 6 минг



400 та ҳолатда текшириш тартиби бузилган. Бу рақамлар ўтган йилнинг мос давrigа нисбатан сезиларли даражада камайган бўлса-да, ҳали бу йўналишда қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини англашди.

Президентимиз тadbиркорларнинг бу борадаги таклифларига жавобан жорий йил 1 ноябрдан ҳар қандай текширишлар фақат ва фақат Бизнес-омбудсманда янги ишга тушириладиган электрон платформа орқали амалга оширилиши, барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилишини билдирган эди.

Юқорида қайд этиб тилдиган қатор юртимиз ишбилармон доира вакилларининг таклифлари асосида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлагани, асосийси, учрашувда илгари сурилган ҳар бир ташаббус амалий тасдиғини топаётгани билан аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб тadbиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувлар натижалари ҳамда профилактика тadbирлари тўғрисидаги маълумот текширув ёки профилактика тadbирлари тугаган кундан бошлаб уч кун муддатда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига киритилади.

Назорат қилувчи органлар “хавфни таҳлил этиш” тизими натижаларига асосан, ўтказиладиган текширувлар бошланиши ҳақида камида 10 иш кунини олдин тadbиркорлик субъектини хабардор қилади.

Тadbиркорлик субъектлари учун профилактика тadbирларини тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган режа асосида уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда семинарлар, оммавий муҳокама, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, “очиқ эшиклар кунини” тadbирларини ташкил этиш, тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминлаш, тавсия ва хабарлар юбориш шаклларида амалга оширади.

Қарор билан тadbиркорлик субъектларига қатор ҳуқуқлар берилмоқда. Жумладан, текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганда, текширув тadbиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилмаганда ёки у хабардор этилмаганда, тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома мавжуд бўлмаганида, текширувларни рўйхатга олиш китобига маълумотларни киритишдан бош тортиганида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини текширув ўтказиш учун ўз ҳудудида қўймаслик ҳуқуқи белгилаб берилди.

Шу кунга қадар амалда бўлган текширувларни ўтказиш тартибиде тadbиркорлик субъектларига бу каби ҳуқуқлар белгиланмаган эди.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларнинг “Ягона давлат назорати” ахборот тизимидеги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тadbиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиши тақиқланади.

Кези келганида таъкидлаш ўринлики, Президентимизнинг 2021 йил 15 сентябрдаги “Тadbиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайитириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, вакил томонидан тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг очилқлигини таъминлаш, давлат назорати функциялари, мажбурий талаблар ва



тadbиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар электрон реестрларини қиритиш имконини берувчи “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ишга туширилган эди.

Бугунги кунда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида ҳам барча назорат қилувчи органлар, ҳам тadbиркорлар учун қатор имконият ва қулайликлар яратилган. Жумладан, тadbиркорлар ўз фаолиятида ўтказилган ёки ўтказилиши режалаштирилган текширувлар тўғрисидаги маълумотни интернет тармоғи ва мобил иловалар, телеграм бот ёки “смс” хабар тарзида олади.

Юқори шаффофликни таъминлаш мақсадида тизимнинг персонал компьютердан фойдаланиш учун “govcontrol.uz” манзилида веб-саҳифа ҳамда “IOS” ва “Android” платформасида мобил иловалар ишлаб чиқилган. Тadbиркорларга ушбу иловаларни ўз мобил телефонларига юклаб олиши учун имконият яратилди. Эндилкида барча тadbиркорлар ушбу тизим орқали рўйхатдан ўтган ҳолда, фаолиятида ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилган текширувлар юзасидан маълумот олиши мумкин.

Шунингдек, “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали тadbиркорлар фаолияти бўйича ўтказилган ҳар бир текширув юзасидан текширувни ўтказган назорат органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш, файриқонуний ҳаракатлар, жумладан, коррупция ҳолатлари ҳақида шикоят қилиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда тadbиркорлик ривожига қаратилаётган эътибор, бу каби қулайликлар яратилиши барча юртдошларимизни тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиши рағбатлантиради, инвестицияга кенг йўл очади. Бу эса ўз навбатида, бир неча юз минглаб янги иш ўринлари, янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиши орқали иқтисодийтимиз барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ НЕГА БИРИНЧИ ЎРИНГА ҚЎЙИЛДИ?

Бошланиши 1-бетда

Бугун дунё кескин рақобат ва зимдан кураш майдонига айланган. Аввалги даврлардаги рақобат ва курашларда завод-фабрикаларнинг турли ускуналари ортидан галаба қозонилган бўлса, ҳозирги курашлардаги муваффақиятда мактаблардаги билим сифати муҳим урин тутади. Бу ҳақиқатни унутмаган ҳолда, фарзандларимизнинг келгуси галабалари учун мустаҳкам пойдевор курмоғимиз лозим.

Шу боис, бугун мактаб партасида ҳарф ўрганиб, билимлар оламига кириб бораётган ҳар бир ўғил-қизни юртимиз истиқболи, ёруғ келажагига дахлдор ШАХС деб қабул қилишимиз шарт! Шундай экан, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясини давлат ва жамият олдидаги энг биринчи вазифа дейиш ҳар жиҳатдан табиий ва асосли.

— **Таълим ислохотлари самараси ўқувчининг билим ва салоҳиятида намоён бўлади. Шу маънода, бугун мактаб таълимини ривожлантириш ва ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида қандай янгилıklar қилинмоқда?**

— Янги ўқув йилида юртимиздаги ўн мингдан зиёд мактабда 500 мингдан ортиқ педагог таълим-тарбия бермоқда. Улар орасида тажрибали, ўзига ҳос услуб ва ёндашувга эга муаллимлар жуда кўп. Зотан, маҳоратли ва билимли ўқитувчи мактаб жамоаси, ўқувчилар ва она-оналар ҳурматига сазовор бўлади. Ҳозир ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, рағбат ва мукофот тайинлашда адолат ва шаффофлиқни таъминлаш борасида бир қанча янгилıklar амалиётга татбиқ этилмоқда.

Педагог кадрларнинг малака тоифасига эга бўлиши муҳим жиҳат. Чунки муаллимнинг касбий маҳорати ва илмий салоҳияти аниқ мезонларда баҳоланади. Бироқ ҳеч бир тизим ўзига ўзи баҳо бериши мумкин эмас. Чунки бундай ёндашувда ҳолислик йўқолади. Айнан шу тамойил асосида мазкур жараён Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мустақил амалга оширилади. Биз бу жараёнда ўқитувчилар учун адолатли ва шаффоф синов ўтказишсини талаб этамиз, ҳолос.

Таълим тизимидagi изчил ислохотлар боис, педагог кадрларнинг малака тоифасини ошириш тизимида ҳам ортиқча бюрократия ва қўғозбозликка чек қўйилди. Бу ўз касбини севувчи, фидойи ва маҳоратли педагогларимиз учун яна бир имконият, десак адашмаймиз. Зотан, бугунги кунда педагоглар бир йилда икки маротаба аттестация орқали малака тоифасини ошириши мумкин. Бу орқали ўқитувчининг ойлик маошини кўтаришига имконият берилмоқда.

Мазкур тизим натижасида жорий йилда муаллимларимизнинг сифат таркиби кескин ошди. Бунда дастлаб педагоглар таркиби (маълумоти, тоифаси, иш стаж) тахлил қилиниб, натижаларига кўра, тажрибаси етарли бўлмаган, методик ёрдам муҳтожларнинг навбатдан ташқари малака ошириш курсларига жалб этилгани муҳим аҳамият касб этди.

Тахлилларга кўра, ўтган бир йилда малака тоифасига эга бўлган ўқитувчилар сони қарийб 303 минг нафарга етиб, бу жами педагогларнинг 62,5 фоизини ташкил этмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 35,2 фоизни ташкил қилган бўлса, уч йил олдин 40,2 фоизга ҳам етмаган. Шунингдек, жорий йилда олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчилар сони салкам 143 минг нафарга, яъни 30,1 фоизга етгани ҳолда олий малака тоифасига эга ўқитувчилар улуши 9,1 фоизни ташкил этмоқда. 2021 йилда бу кўрсаткич 5,7 фоиз бўлган, ҳолос.

Ўз навбатида, халқ таълими тизимида фаолият юритаётган ўрта маълумотли ўқитувчилар улуши ҳам 9,5 фоиздан 7,3 фоизга камайган. Бу ҳам мактабларда олий маълумотли ўқитувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб, педагог касбининг нуфузи ошиб бораётганига далилдир.

2021 йилдан ҳорижий тиллар ўқитувчиларига халқаро сертификат бериш тизими жорий қилиниб, уларнинг ўз билимини исботлаши асосида шафдоф тарзда ойлик маошини кўшимча ошириш имкони берилди. Бу эса ўтган қисқа даврда халқаро стандартларга жавоб берадиган чет тил ўқитувчилари сони деярли уч баробар ошишига тўғли бўлди.

Бугунги кунда ҳар бир ўқувчининг сифатли билим олиши, таълимда тенглик таъминлаш самараси бўлиши борасидада санъ-ҳаракатли устасари ўлароқ, ҳатто энг чекка ҳудудлардаги мактаблар ҳам билимли ва маҳоратли педагоглар билан таъминланмоқда. Бу жараёнда олис ҳудудлардаги мактабларда фаолият кўрсатаётган фидойий ва жонқуяр ўқитувчилар ойлик маошига қўшимча 100 фоиз устама тўлаш тартиби жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир юқори малака тоифасига эга 400 нафар фидойи ўстоз энг чекка ҳудуддаги мактабларда фарзандларимизга таълим-тарбия бериб келаётгани учун 1000 АҚШ долларига тенг миқдорда маош олмоқда.

Бундай ижобий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, жорий йил апрель ойида давлатимиз раҳбари бошқа фан ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификат бериш тизимини жорий қилиш ва инсон кадрини улуғлаш тамойилига асосан, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини татбиқ этишини топширганди. Шунга кўра, Халқ таълими ҳамда Молия вазирликларининг тегишли қўшма қарори билан 2022 йил 1 сентябрдан халқаро ва миллий баҳолаш тизими сертификатига эга педагог кадрларга қўшимча устама ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқилди. Бу орқали энди нафақат чет тил ўқитувчилари, балки она тили ва адабиёт (Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти), математика, кимё, физика, биология ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанлари бўйича сертификат синовидан муваффақиятли ўтган педагоглар ҳам устама олиш имкониятига эга бўлди.



Шу ўринда машҳур бир ҳикматни тилга олмоқчиман: “Турғунлик ва эрксизлик заиф инсонларни шакллантиради. Заиф инсонлар қийин даврларга сабаб бўлади. Мураккаб даврлар кучли инсонларни яратади. Кучли ва матонатли кишилар фаровон даврларни бунёд этади”. Афсуски, собиқ тоталитар тузумнинг турғунлик даври ва бундан 20–25 йил аввал таълимга эътибор ҳозиргидек кучли бўлмагани, аксинча, талаб нуктаи назаридан илм ва маърифат ўрнига ўқитувчининг вазифасига кирмаган турли қишлоқ ҳўжалиги ёки бошқа жамоат ишларига жалб этилган даврлар заиф педагоглар қатлами шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу қатлам эса таълимдаги бугунги муаммолар қаршида ожиз қолмоқда. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ислохотида фаоллиққа интилаётган педагог кадрлар олдида таълимни инкироздан олиб чиқиш ва фарзандларимиз келажаги учун ёркин даврларни яратишдек мураккаб ва муқаддас вазифа турибди. Ишонамани, фидойи устозларимиз билан биргаликда, албатта, бу мақсадга етамиз!

— **Бугун муаллим меҳнатини рағбатлантириш борасида амалдаги директор жамғар-**

“**ҲОЗИРГИ ТАХРИРГА АСОСАН, ПЕДАГОГЛАР ОЛИЙ ТОИФАЛИ БЎЛИБ, ЎЗ ДАРАЖАСИНИ 3 МАРТА МАЖБУРИЙ АТТЕСТАЦИЯДА ТАСДИҚЛАГАНИДАН СЎНГ УМРБОД ОЛИЙ МАЛАКА ТОИФАСИГА ЭГА ЎҚИТУВЧИ МАҚОМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИ МУМКИН. МИСОЛ УЧУН, 2022 ЙИЛДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ БИТИРГАН ЁШ ПЕДАГОГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АТТЕСТАЦИДАН ЎТИШ ИМКОНИЯТИДАН ФОЙДАЛИНИ, 2024 ЙИЛДА ОЛИЙ МАЛАКА ТОИФАСИ ТАЛАБИНИ БАЖАРИШИ МУМКИН. ШУНДАН БОШЛАБ 15 ЙИЛ ДАВОМИДА 3 МАРОТАБА (ЯЪНИ ҲАР БЕШ ЙИЛДА — 2029, 2034 ВА 2039 ЙИЛЛАРДА) ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЎТКАЗГАН СИНОВЛАРДА ОЛИЙ МАЛАКА ТОИФАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.**

масига қўшимча равишда вазир жамғармаси ташкил этилди. Айтинг-чи, мазкур рағбатлантириш тизимларининг ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатлари нимада? Умуман, ўқитувчи меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, фаолиятини тўғри ташкил этишда яна қандай ишлар бажарилиши зарур деб ўйлайсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, ўқитувчилик касбининг машаққати кўп. Буни ўзим ҳали мактабда, кейинчалик олий таълим муассасаларида ўқиб юрган, илмий фаолият билан машғул бўлган давримдаёқ англаганман. Қолаверса, ўз даврида онам ўқитчи, бувиам мактаб директори бўлиб ишлагани боис, бу соҳа машаққатини яхши биламан, десам хато бўлмайди.

Ўқитувчининг иш вақти ва берган таълимини ҳеч бир мезон билан баҳолаб бўлмайди. Аммо маҳорати билан тажрибасиз, ўз фанининг билимини ҳамда энди соҳага кириб келаётган ўқитувчини ажратиш ва улар меҳнатига муносиб баҳо бериш дунё миқёсида ҳам долзарб масала. Зеро, ҳар бир соҳадаги ноаниқлик ёки умумий қоллига солиш тенденцияси хатоликларга олиб бориши ҳақиқат.

Шу нуктаи назардан, 2022 йил 2 августда Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими вазирли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ўқитувчи меҳнатини муносиб рағбатлантириш механизми такомиллаштирилди. Мазкур қарор айрим ҳудудлардаги таълим муассасаларида йўл қўйилаётган коррупцион ҳолатлар, шунингдек, молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, директор жамғармаси маблағларини тўғри ва аниқ мақсадга йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур тизим, энг аввало, муносиб ўқитувчини рағбатлантиришни қаролтайтиди. Бу жараёнда маблағлар “барча учун тенглик” тамойили асосида ва аниқ мезонлар бўйича устама ҳақ олишга муносиб ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Ижтимоий тармоқларда айрим ноҳолис экспертлар талқин қилганидек, янги тизим ҳеч қачон директор жамғармаси маблағлари миқдори ёки олий тоифага эга ўқитувчилар ойлик иш ҳақининг пасайишига олиб келмайди.

Агар мазкур қарор ва Халқ таълими вазирининг жамғармаси тўғрисидаги низои соғлом дунёқараш билан ўқилса, янги тизим, энг аввало, директор

## Давр нафаси

жамғармасидан бериладиган мукофот ва моддий ёрдам пулининг тасарруф этилишини тартибга солишни аниглади.

2022 йил август ойига қадар амалда бўлган тартибга кўра, директор жамғармаси маблағларидан мактабнинг энг илғор ва таълим самарадорлигига эришган ўқитувчилари ойлик маошига қўшимча 40 фоизгача устама ҳамда ходимларга моддий ёрдам ва мукофот пули берилиши назарда тутилган эди. Бироқ тахлиллар кўрсатдики, жойларда баъзи мактаблар раҳбари директор жамғармаси маблағларини ўқитувчиларнинг таълим сифатини оширишга қўшган ҳиссаси учун тўлашдан кўра, айрим ходимларга фақат моддий ёрдам ҳамда мукофот пули тарзида тарқатишни одатга айлантирган. Бу амалиёт натижасида устама ҳақ олишга муносиб ўқитувчилар сони ва уларга тўланадиган устама ҳақ миқдори йилдан-йилга камайиб, моддий ёрдам ҳамда мукофот пули фоизи муттасил ошиб борган.

2021 йилда бир мактабда директор жамғармаси маблағларининг фақатгина 55 фоизи педагог ходимларга таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси учун ҳар ойлик устамаларга ажратилгани ҳолда, қолган 45 фоизи мукофот ва моддий ёрдам кўрсатишга йўналтирилгани ҳам фикримизни далиллайтиди. Ҳолбуки, давлат бюджетидан ажратилаётган директор жамғармаси маблағлари, биринчи ғалда, таълим сифатини оширишга қўшган ҳиссасига кўра, илғор ўқитувчиларни рағбатлантиришга йўналтирилиши лозим.

Юқоридаги каби салбий ҳолатлар кўпайгани боис, лавозимига номуносиб айрим мактаб раҳбарлари директор жамғармаси ҳисобидан сурункали равишда айнан бир гуруҳ таниш билишларига тақрор-тақрор моддий ёрдам ва мукофот пули ёзиб келган.

Бу каби салбий ҳолатлар келиб чиқишига, аввало, директор жамғармаси маблағларини тасарруф этишга оид низоида ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиби ва миқдори аниқ мезонларда белгиланмагани сабаб бўлган, десак тўғри бўлади. Бу ҳолат эса ақсарият ҳолларда директор жамғармаси маблағлари нотўғри сарфланишига олиб келган. Мисол учун, 2021 йилда бир мактабнинг иш ҳақи фондига 787,5 миллион сўм ва директор жамғармасига 175,5 миллион сўм ажратилган. Директор жамғармаси маблағларининг фақатгина 20 фоизи педагог ходимларга ҳар



касбини ҳаётининг мазмуни, шогирдлари ютуғини ўз қувончи деб билган олий малака тоифасига эга ўқитувчи ҳар қандай синовларга доим тайёр.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридagi янгилік ва ўзгаришлар ҳақиқий фидойи ўқитувчиларимизда заррача савол тудирмаганига ишонаман.

Мазкур қарор асосида тасдиқланган низоининг янги тартибига кўра, олий малака тоифасига эга бўлгандан сўнг уни 15 йил давомида сақлаб келган ва узлуксиз иш стажига (шу жумладан, декрет таътили даврида ҳам) эга бўлган педагог кадрлар мажбурий аттестацияга жалб қилинмаслиги белгиланди.

Ҳозирги тахрирга асосан, педагоглар олий тоифали бўлиб, ўз даражасини 3 марта мажбурий аттестацияда тасдиқлаганидан сўнг умрбод олий малака тоифасига эга ўқитувчи мақомида фаолият юритиши мумкин. Мисол учун, 2022 йилда олий таълим муассасасини битирган ёш педагог навбатдан ташқари аттестациядан ўтиш имкониятидан фойдаланиб, 2024 йилда олий малака тоифаси талабини бажариши мумкин. Шундан бошлаб 15 йил давомида 3 маротаба (яъни ҳар беш йилда — 2029, 2034 ва 2039 йилларда) Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ўтказган синовларда олий малака тоифасини ҳимоя қилиши талаб этилади. Шундан сўнг мазкур ўқитувчига кейинги педагогик фаолиятида ҳеч қандай синовларсиз олий малака тоифасида меҳнат қилиш ҳамда унинг имтиёзларидан фойдаланиш имконияти берилди. Бундай ҳолатда педагог 39 ёшдан меҳнат фаолияти якунига қадар олий тоифани сақлаб қолиши мумкин.

Мазкур низоининг олдинги тахририда ғализлик ва ноаниқлик мавжуд эди. Яъни ўқитувчи дастлабки 10–12 йиллик педагогик фаолияти давомида иккинчи ёки биринчи малака тоифасига эга бўлиб, охириги йилда олий малака тоифасига сазовор бўлса, юқоридаги қоида унга ҳам тааллуқли, деган янгиліш фикр юзага келиши мумкин эди.

Умуман олганда, низоидаги юқоридаги каби жузъий ўзгаришлар орқали педагогларга тўланадиган умумий маблағнинг камайиши борасидаги ҳавотирга асло урин йўқ.

— **Шу ўринда муҳомамага сабаб бўлган яна бир мавзу — мактаб директори ва унинг ўринбосарлари иш юкломаси ҳамда уларга белгиланган дарс соатларининг тўғри ажратилишига ҳам изоҳ бериб ўтсангиз.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги “Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларга малакали ўқитувчи-педагогларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг аввалги тахририда ҳам халқ таълими муассасаси раҳбар ходими асосий лавозимини бир ҳафтада 10 соатгача бажариб ўқитувчи лавозимини билан қўшиб олиш имкониятига эга эди.

Янги тахрирда ушбу жараён янада аниқлаштирилди. Бунга сабаб шуки, айрим таълим муассасасида раҳбар ходимларга эғаллаб турган штат бирлигидан қатъи назар, уларга фақатгина 10 соатгача дарс бериш мумкин”лиги аниқ белгилаб қўйилди.

— **Демак, таълим сифатини таъминлашда ўқитувчи фаолияти, касбидан эъзоз топиш қанчалик муҳим бўлса, унинг меҳнатига ҳаққоний баҳо берадиган раҳбар кадрларнинг лавозимига муносиб бўлиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга экан. Шундан келиб чиқиб, ёш педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда мактаб раҳбарига қўйиладиган янги талабларни ишлаб чиқиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?**

— Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқиш борасида соҳага халқаро амалиётга доир қўллаб янгиліклар татбиқ этилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Урганч, Наманган, Гулистон давлат университетларига “давлат педагогика институтлари” мақоми берилди. Самарқанд давлат университетининг Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти негизида Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти ташкил этилди. Андижон, Бухоро, Термиз, Қарши давлат университетлари Педагогика институтлари негизида давлат педагогика институти фаолияти йўлга қўйилди. Чирчиқ ва Жиззах давлат педагогика институтлари Чирчиқ ва Жиззах давлат педагогика университетлари сифатида ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида кундузги таълим шаклида тахсил олаётган талабалар 2-курсдан бошлаб ярасий маҳоратини ошириши учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибиди олиб борилади. Яъни дарсларнинг 4 кунли олий таълим муассасасида, 2 кунли мактабда амалиёт ўтатиш асосида ташкил этилади.

Эътиборлики, 2023/2024 ўқув йили қабулидан бошлаб педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг 14 та таълим йўналиши сиртки таълим шаклига қабул амалга оширилмади. Шу билан бирга, ушбу 14 тадан бошқа йўналишларнинг сиртки таълим шаклига камиди 5 йиллик педагогик иш стажига эга шахслар, шу жумладан, мактабларда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус маълумотли мутахассислар қабул қилинади.

Мактабларда таълим сифатини ошириш, аввало, педагоглар салоҳияти, қолаверса, соғлом ва барқарор маънавий муҳитни яратувчи замонавий раҳбарларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугун мактаб директорлари оқил танловлар асосида дастлабки саралашдан ўтказилиб, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб мактаб директори лавозимига номзодлар фақат менежерлик сертификатига эга шахслар орасидан танлаб олинади ва келишиш учун халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига тақдим этилади.

Ҳозир Абдулла Авлоний номидаги Педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий тадқиқот институти тузилмасида Халқ таълими ходимларининг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш маркази ташкил этилди. Энди ушбу марказ томонидан мактаб директори лавозимига номзодларга махсус дастурлар асосида жамоада ишлаш ва ота-оналар билан мулоқот қилиш, бошқарув, молиявий ҳисоб-китоблар ҳамда ахборот технологияларини ўргатиш, билим ва кўникмаларини баҳолаш асосида менежерлик сертификатини бериш тартиби ишлаб чиқилди.

Замонавий мактаб директори ўқитувчи ва ташкилотчи, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи бўлиши керак. Янги тизим бу борадаги фаолиятимизни мувофиқлаштириш ҳамда замонавий раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим омил бўлишига ишонаман.

Бугун шиддат билан янгиланиб, такомиллашиб бораётган дунёда фақат ва фақат илм-фан, таълим ва тарбиягина давлатни, халқни тараққиётга бошлаши ҳақиқат. Атоқли маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бундан 100 йил олдин “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур”, деган ўғити ҳар бир ватандошимиз онгу шуурида бўлишини истардим. Зеро, маърифат ва маънавиятга ташна инсон, оила ва жамиятда устоз-муаллимнинг қадри ҳам баяндал бўлади.

**Журналист Баҳодир ЖОВЛИЕВ сўҳбатлашди.**





## МАҲАЛЛА ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ



Исроил ЖАББОРОВ,  
Самарқанд вилояти Маҳалла ва  
нуронийларни қўллаб-қувватлаш  
бошқармаси бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Демак, элу юрт бир-бирига ҳамоҳанг ўзгаряпти. Бир ташаббус бошқасига йўл очяпти. Худудлар ободлиги аҳоли кайфиятига ижобий таъсир этаётгани ҳам бор гап. Исталган ҳудудга бординг, одамлар билан гаплашинг, уларнинг деярли барчаси ўз маҳалласидаги ўзгаришлардан сўз очади. Тадбиркорлигини бошлаб, қисқа фурсатда даромадга кирган қўни-қўшниси, фарзандининг таълим олишига шaroит яратиб берган қариндош-уруғи, уйли бўлган ёки машина сотиб олган таниш-билиши ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади.

Бугун қай соҳага бўйламанг, янгиланишлардан баҳраманд бўласиз. Сўнгги йилларда маҳалла институтида ҳам туб бурилишлар бўлди. Ўзини ўзи бошқариш органи сифатида муайян ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа масалаларда мустақил иш олиб боровчи ижтимоий тузилмага айланди. Аҳолининг барча муаммолари энди маҳалланинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ташкил этилди. Аҳоли билан ишлашнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” тизимлари йўлга қўйилди. Одамларнинг қандай яшаётгани, уларни қўйнаётган муаммолар, иш билан таъминлаш, боқувчисини йўқотган ёки ҳам таъминланган oilаларга ёрдам қўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш каби масалаларда ҳам маҳалла кўмагига эҳтиёж бор. Бир сўз билан айтганда, маҳалла жамиятнинг жон томирига айланди.

### Худуд тараққиёти кадрлар салоҳиятига боғлиқ

Жорий йил юртимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”, деб эълон қилинди ҳамда Давлат дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, мамлакатимизда тизимли ишлар амалга ошириллаётганига гувоҳ бўляпмиз. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам қатор ишлар бажарилляптики, буларнинг замирида аҳоли фаровонлиги, одамларни рози қилиш мақсади турибди. Аҳолига қулайлик яратиш учун шу йилнинг ўзида 6 та янги маҳалла ташкил этилиб, вилоятдаги маҳаллалар сони 1126 тага етди.

Аҳоли орасида маънавий барқарорликни сақлаш, тадбиркорларга кўмаклашиш, худуд ободлиги, oilалар тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож oilалар ҳолидан хабардор бўлиш, қўйинки, барча масалаларда маҳалла раисининг маҳорати ва салоҳиятига эҳтиёж бор. Раис салоҳиятли бўлса, ўша маҳалла боғу бўстонга айланади. Аҳоли турмушига файзу барака киради. Тадбиркор ва ташаббускор одамлар сафи кенгайди. Шу маънода, маҳалла раисини халқ ичидан сайлаш ҳар бир фуқаронинг вазифаси саналади. Жорий йил май-июнь oilарида маҳалла раисларини сайлаш тадбирлари уюшқоқлик билан ўтди. Сайланган 1126 маҳалла раисининг 772 нафари, яъни 69 фоизи сайловда ilk марта иштирок этди. Маҳалла раисларининг 1087 нафари (96,5 фоиз) oilий маълумотли мутахассисдир. Урта-махсус маълумотта эга бўлган 39 та маҳалла раисининг oilий таълим муассасасида сиртки таълим олиши учун маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири томонидан тавсиянома берилди.

Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши натижа-сида вилоятда 41 (2 бўлим ходими, 39 маҳалла раиси)

“ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”  
ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА ХАМДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ  
30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЯНА 101 ТА МАҲАЛЛАНИНГ  
ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛАДИ ВА БАРЧА  
1126 ТА МАҲАЛЛА ЎЗ БИНОСИГА ЭГА БЎЛИБ, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ  
ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, МАҲАЛЛАДАГИ БЕШЛИК УЧУН БАРЧА  
ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ.

# ЯНГИЛАНИШ ИСТАГИ худудлар ободлиги, халқ турмушида намоён бўлмоқда

тизим ходими Гулистон давлат университетига ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш) йўналиши бўйича сиртки таълим шакли ва давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, янги сайланган раисларнинг маҳалла институтини ривожлантириш, “маҳаллабай” ишлаш тизимини шакллантириш, аҳолининг муаммоларини маҳаллада ҳал этишдаги билим ва малакаларини оширишга қаратилган мавзуларда ўқув семинарлар ўтказилди. Семинарлар давомида ҳар куни битта вилоят сектор раҳбари билан мулоқот ташкил қилинди. Маҳаллаларда 20 турдаги хизматлар ва сервис соҳа-

лади. Замонавий қурилган ва барча шарoитларга эга йиғинлар бугун одамлар муаммосига ечим топадиган чинакам халқчил идорага айланди.

Бундан ташқари, аҳоли маҳаллага фақат муаммо билан келмаяпти, ташаббус ва таклифлар, хушхабарлар билан келишга ҳам одатланди. Ахир давлат эътибор берган ерда маҳалла макеи ошди, обрў қозонди. Аҳоли ҳам шунга яраша муносабатда бўляпти.

Худудларда тадбиркорликни бошлаган ёшлар, хайрли ташаббус истаги билан маҳалла раиси қабулига келган одамлар, “қўлимда гулдаи хуна-рим бор, тикув машина берилса, тикувчилик қил-

фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Қўшимча 118 та маҳалланинг замонавий мебель ҳамда компьютер жамланмалари билан таъминлангани мавжуд шарoитни янада қулайлаштирди. Бундан ташқари, “Маҳалла” хайрия жамoат фонди ҳисобидан 61 та маҳалла фуқаролар йиғинини компьютер, 47 та маҳаллани мебель жиҳозлари билан таъминлаш учун 465 миллион сўм ажратилди. Қувонарлиси, соҳа кадрлари замон билан ҳамнафас фаолият юритиши учун МФЙларнинг 1118 таси интернет тармоғига уланган. Бу 99,5 фоиз дегани. Яна 8 та маҳаллани интернет тармоғига улашга тайёрланилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган “Ташаббусли бюджет”нинг иккинчи мавсумида фуқароларимиз ўз маҳалласининг бино-сини қуришга фаоллик қўрсатиши натижасида яна 17 та маҳалла биноси янгидан қуриладиган бўлди. “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури асосида ҳамда Конституциямизнинг 30 йиллиги муносабати билан яна 101 та маҳалланинг янги биноси фойдаланишга топширилади ва барча 1126 та маҳалла ўз бино-сига эга бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, маҳалладаги бешлик учун барча шарт-шарoитлар яратилади.

### Маҳалла обод, одамлар кўнгли шод

Юртимизда бошланган катта ислохотларнинг бари бир мақсадни қўзғайди: юрт тинч бўлсин, халқ ўз ҳаётидан рози яшасин. Бу борада амалга оширилган ишларни санаб, адоғига етиб бўлмайди. Масалан, йўл қурилиши соҳасини олайлик. Чекка-чекка худудларда узoқ йиллар қаровсиз ётган йўллар, кўчалар муаммосига қисқа фурсатда ечим топилди: текис ва раvon йўлларда юриб, баҳри дилингиз очилади. Ҳатто кечаси ҳам шаҳар

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида 1728 нуроний тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ва ишсиз 15 минг 922 ёшга бириктирилди. Шунингдек, “Оила муқаддас” шиори остида ўтказилган тадбирларда нуронийлар кўмаги билан 316 та нотинч oilани яраштиришга муваффақ бўлдик. “Уч авлод учрашувлари” ҳам ёшлар камолотида муносиб ўрин эгалламоқда.

сам”, “иссиқхона қурилишига давлатимиз ёрдам берса, ҳаётимни тиклаб олардим”, “вақтимни зое кетказмай, бирор хўнаур ўрганай”, “ўқув марка-зи очмоқчиман”, “янги иш ўрни яратдим, ишсиз аёллар бўлса, марҳамат, келсин”, деган талаб ва таклифлар билан келган одамларни учрата-сиз. Демак, Президентимизнинг бизни яшаш ва интилишга чақирқлари, чорловлари ўз самара-сини берапти, дея хотиржам тортасиз. “Бу ҳали бошланиши, давлатимиз раҳбарининг қанотида ҳали буюк келажакни бирга қурамиз”, деган хайи-риклари хис қиласиз.

Жорий йил бошидан шу кунга қадар Самарқанд шаҳрида 14 та, Каттакўрғон туманида 13 та, Нар-пай ва Ургут туманларида 12 тадан, Пайарикда 11 та, Қўшрабoтда 10 та, Иштихон, Пастдарғом ва Пахтачи туманларида 9 тадан, Каттакўрғон шаҳрида 7 та, Жомбой ва Нуробод туманлари-да 6 тадан, Самарқанд ва Оқдeрё туманларида 5 тадан, Тайлоқда 4 та, Булунғурда 3 та, жами 135 та янги маҳалла биноси фойланишга топши-рилди. Айни кунда вилоятда 50 дан ортиқ маҳал-ла идорасида қурилиш, таъмирлаш ишлари да-вом этмоқда. Улар жорий йил 1 декабрга қадар

кўчаларидан қолишмайдиган бу йўллар одамлар-нинг узoғини яқин, оғирини енгил қилляпти.

Биргина Пастдарғом туманида ички йўлларга шағал ётқизиш ҳамда ободонлаштириш билан бо-глиқ харажатлар учун етарли маблағ ажратилгач, спортнинг юриш, югуриш ва велопоиьга турларини оммалаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида Жума шаҳрида 3,4 километр “саломатлик йўлакля-ри” ҳамда яна шунча “велосипед йўлакляри” қури-либ, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, тумандаги 35 километр автомобиль йўлига тунги ёритиш устунлари ўрнатилди. 550 мингдан зиёд шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлаш мақса-дида Қорасув, Ширин ва вокзал орти худудларида реновация асосида замонавий турар жойлар барпо этилмоқда. Биргина Қорасув мавзесида 12, 14, 15, 16 ва 25 қаватли юздан зиёд уй, шунингдек, ижти-моий соҳа объектлари, савдо дўконлари, ўйин ва спорт майдончалари барпо этилди. Бу каби ишлар жорий йилда ҳам давом этмоқда.

Янги Ўзбекистон нафаси удуфри турган худуд-ларда халқнинг турмуш даражасига катта эъти-бор қаратилаётганини эътироф этмасак, бўлмас.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож oilаларга, аҳолига давлат кўмак қўрсатяпти. Келинг, нуронийларга бўлган эътиборга назар солайлик. Жорий йил бо-шидан буён ижтимоий ҳимояга муҳтож 5491 нафар, жумладан, якка-ёлғиз 119 нафар кекса санаторий-ларда соғломлаштирилди, 112 минг 428 нуроний бепул тиббий курабдан ўтказилди, 1093 фуқаро-га ногиронлар аравачаси, 685 нафарига эшитиш мосламаси, 1421 нафарига ҳассса (қўлтиқтаёк), 529 нафарига кўзойнак, 2421 нафарига бошқа реабил-литация воситалари берилди. Ногиронлиги бўлган кексалар, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти қат-нашчилари ҳолидан мунтазам ҳабар олиниб, мод-дий ва маънавий кўмак берилляпти.

Бундан ташқари, нуронийларнинг юртимиз бўйлаб саёхатлари ташкил этилаётганини тудайли улар жамиятнинг тираги, дуоғўйи эканини қалбдан ҳис қилмоқда. Ўз ҳаёт йўли, маслаҳатлари ва бе-баҳо насиҳатлари билан маҳалла ёшларига наму-на бўлмоқда.

### Тарбия маскани

Ёшларнинг қадрият ва аънаналар руҳида ка-мол топишида, айниқса, маҳалланинг, ундаги нуронийларнинг aloҳида ўрни бор. “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган гап бежиз айтилма-ган. Фарзандларимизнинг маънавий баркамол ин-сонлар бўлиб вояга етилиш, ёш oilаларнинг мус-таҳкам оёқга туриб олишида ушбу тузилманинг ролини янада ошириш, “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мурабий” тамойили асосида бош-ланган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш бугунги кун талабидир.

Вилоятимизда ёшларни ватанга муҳаббат, эз-гулик ва раҳмдиллик сингари аънаналарни ҳур-мат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида кўплаб тадбирлар, танловлар, давра суҳбатлари ўтказил-моқда. “Бир нуроний ўн ёшга масъул” қўриқ-тан-лови ташкил этилди. Танловнинг вилоят, туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди ҳамда fойлиблар муносиб тақдирланди. Нуронийлар иштирокида-ги “Оталар чойхонаси”, “Оталар сўзи — ақлнинг қўзи”, “Маҳаллада гурун” каби телекўрсатувлар мунтазам эфирга узатилляпти.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асоси-да 1728 нуроний тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ва ишсиз 15 минг 922 ёшга би-риктирилди. Шунингдек, “Оила муқаддас” шиори остида ўтказилган тадбирларда нуронийлар кў-маги билан 316 та нотинч oilани яраштиришга муваффақ бўлдик. “Уч авлод учрашувлари” ҳам ёшлар камолотида муносиб ўрин эгалламоқда.

### Эътироф — масъулият демак

Меҳнат қилган, мамлакат тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшиб келаётган юртдошларимиз эъти-борга, эътирофга муносиб. Шу маънода, жамияти-мизда маҳалланинг ўрни ва ролини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда фидойийлик қўрсатганлар маҳалла раислари, фаоллар, идора ва ташкилот раҳбар-лари “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Жумладан, 50 нафар маҳалла раиси, 5 на-фар маҳалла фаоли, 1 нафар мактаб ўқитувчиси, 1 нафар маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, давлат хизматчиларидан кўплари “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мукофотланганларнинг барчаси бу эътироф-нинг юксак масъулият эканини таъкидлайди. Аслида ҳам шу: бугун ҳар биримизнинг юрагимиз юрт тараққиёти, аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўиш ҳисси билан уриши шарт.

# ҲАР БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДА

Давлатобод — Наманган шаҳри таркибига кирувчи янги туман. Ташкил этилганига энди икки йил бўляпти. Аҳолиси 154,5 минг киши. 28 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Туман иқтисодиёти тўқимачилик махсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, шунингдек, асаларичилик, туризм, кичик саноат зоналари ва бошқа тармоқларга ихтисослаштирилган.

Айнан туман номи билан аталувчи Давлатобод маҳалласида раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспекторидан ibорат “бешлик” ўзаро ҳамжиҳатликда фаолият юритмоқда. 2 минг 647 та хо-надондан ibорат маҳалла худудида ҳам турли муаммо ва ташвишлар юзага ке-лади, кутилмаган воқеа-ҳодисалар руй беради. Кимнингдир хонадонида хур-сандчилик бўлса, яна бировнинг уйига нотинчлик соя солади. Бундай вазиятда эса уларга маҳалла яқин маслаҳатчи ва кўмакчига айланади.

— Oilалар билан ишлашда, уларнинг муаммоларини ўрганишда аҳолининг хатловдан ўтказилгани кўл келмоқда, — дейди “Давлатобод” МФЙ раиси Уктамон Ёқубов. — Хусусан, хатлов жараёнида маҳалладаги хотин-қизлар 11 тоифага ажратиб олинди. Уларнинг ҳар бири билан шуғулланиш, турли

низолар сабабини, маънавий муҳит ва ўзаро кайфиятни ўрганишда, энг муҳи-ми, кўмак беришда бу таҳриба жуда асқатади.

Ҳоким ёрдамчиси ва бандлик бош бошқармаси билан ҳамкорликда “Аёл-лар дафтари”да турувчи ишга муҳтож 15 нафар хотин-қиздан 13 нафари ҳақ тўланадиган доимий ва мавсумий меҳнатга жалб қилинди. Маҳалладаги 135 нафар ишсиз аёлнинг 97 нафари маҳалла масъуллари кўмагида ишли бўлган. Бундан ташқари, “Ишга марҳа-мат” мономаркази ҳамда шаҳар ва ту-манларда ташкил этилган касб-хўнаур масканларида касб-хўнаур ўрганиш иста-гини билдирган 39 нафар хотин-қиз ўқув машғулотларига жалб этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммолар-ини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир-



лари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этишга, хусусан, “Аёллар дафтари” тизими орқали уларни икти-моий қўллаб-қувватлашга жиддий аҳа-мият қаратилмоқда. “Аёллар дафтари”-га киритилган 129 нафар хотин-қиздан

126 нафарининг муаммолари ҳал этил-ди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг худудий бирлашмалари томони-дан 79 нафар тиббий ҳимояга муҳтож хотин-қизнинг эҳтиёжи қондирилди. Про-куратура ҳамда ички ишлар, адлия, халқ таълими бошқармалари ва уларнинг

худудий бўлимлари томонидан ўн на-фар хотин-қизга ҳуқуқий, етти нафар хотин-қизга психологик ёрдам берилди. Жумладан, “Аёллар дафтари” рўйхати-га киритилган 2-гурух ногирони Дилфуза Ғаниеванинг Тошкент шаҳрида жарроҳ-лик амалиёти учун “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 30 миллион сўм пул маблағи ажратилганига ёрдам берилди.

“Аёллар дафтари” 3-босқич 3-тоифа-сига, яъни боқувчиси бўлмаган эҳтиёж-манд хотин-қизлар рўйхатидаги кирувчи Рамиля Билданова узoқ йиллардан бери бетoб бўлиб, ётиб қолган эди. Шунингдек, 2-гурух ногирони Дилбархон Йўлдошева ҳам мустақил юролмайдди. Уларнинг ҳар иккисига ногиронлик ара-вачаси топирилди.

— Очиғи, тўшака михланиб, туш-қунлиқда ётандим. Уйимизга ҳол сўраб келишганида кўнглим тоғдай кўтарилди, — дейди 2-гурух ногирони Д.Йўлдошева. — Мана энди ногиронлик аравачасида секин-секин ҳаракатланяп-ман. Атрофни кузатиб анча чалғийман, ҳаётга, одамларга меҳрим ошади. Ўқин-ларимга бирор фойдам тегиши мумкин-лигини уйлайман.

Ўз бошланаси бўлишини орзу қилади-ган аёллар мурожаати ҳам имкон қадар жавобсиз қолмаяпти. Хусусан, боқув-чисини йўқотган Зайнабхон Тўраева уч нафар фарзанди билан ижарада яшай-ди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги “Уй-жойга муҳтож

хотин-қизларни уй-жой билан таъмин-лаш ҳамда Тошкент шаҳрида бошпана-сиз, оғир турмуш шарoитига тушиб қол-ган фуқароларнинг яшаш шарoитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, унинг ҳужжати туман ҳокимлигига тақдим этилди. Ҳокимлик томонидан рўйхатга олиниб, уй-жой би-лан таъминлаш учун навбатга қўйилди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат. Маҳалладаги ишсиз хотин-қизлар меҳнат ярмаркалари, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тадбирларга жалб этилмоқда. Шунинг-дек, “Ёшлар дафтари”да турувчи олти нафар хотин-қизнинг таълим шартнома пуллари тўлаб берилди. “Ёшлар даф-тари”даги бир тадбиркор аёлга 10 миллион сўм субсидия маблағи, “Аёллар даф-тари” рўйхатида турувчи Одина Маматхо-новага имтиёз асосида 4 дона чоқ тикиш машинаси учун 24,5 миллион сўм микдо-рида имтиёзли кредит олишига кўмакла-шилди.

Бундай мисоллар кўп. Муҳими, маҳал-ла аҳлининг муаммо ва таклифларидан ibорат мурожаатлари ўз худудларига ҳал этилмоқда. Бу эса “Халқ давлат идо-раларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилиши керак”, деган эзгу тамо-йилнинг амалда ишлаётганидан дарак беради.

Орифжон ЖЎРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ИННОВАЦИЯ

# ЎЗБЕК ЁШЛАРИ ЯРАТГАН РОБОТ ҚҮЛ

## у бош мия сигнали асосида ҳаракатга келади



**Фазлиддин МҲМИНОВ,**  
Иновацион ривожланиш  
вазирлиги бошқарма  
бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Протез қўллар импульсни сезган пайтда ёпилади ва импульслар бўлмаганда очилади. Сунъий қўллар фақатгина имконияти чекланганлар учун мўлжалланмаган. Уларни мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, кўплаб соҳаларда қўллаш мумкин. Фавқуллода вазиятларда ҳам бу восита дастёр бўла олади.

Қўтқарув хизмати ходимлари хавф-хатарни бартараф этишда ўз ҳаётини хавф остига қўяди. Мана шундай кезларда одамлар ўрнига роботларни юбориб, вазиятни хавфсиз жойдан туриб бартараф қилса, ҳарбий соҳа вакиллари сунъий қўлдан портловчи моддаларни зарарсизлантиришда фойдаланса, инсон омилига бўлган ноҳўя таъсирларнинг олди олинади.

Саноат ва ишлаб чиқаришда мукаммал даражадаги аниқлиқни ва оғир

меҳнатни талаб қиладиган, ишчиларнинг жисмоний имконияти етмайдиган фаолият турлари бор. Бундай вақтларда ҳам роботлар энг яхши ишчи кучи бўла олади. Имконияти чекланганлар бировнинг кўмагисиз зарур ишларни бажариши мумкин. Қолаверса, мусиқа, тасвирий санъат оламида ижод қилишни истаган, аммо жисмоний имконияти бунга тўсқинлик қиладиганлар ҳам сунъий қўллар ёрдамида озуларини амалга оширсан бўлади. Жуда қизиқарли, шу билан бирга, қамрови анча кенг ва мураккаб йўналиш бўлган робототехниканинг бошқарув тизими — сунъий интеллект маҳсули барча учун катта қўлайлик.

Сунъий интеллект олами муҳандислик ва компьютер имкониятлари ҳисобига катта таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлиб бормоқда. Тадқиқотчилар фикрича, бундай технологиялар жамият ҳаётига бошқа ҳар қандай эришилиши мумкин бўлган ютуқлардан кўпроқ таъсир кўрсатиб, глобал инқилоб даражасидаги ўзгаришларни амалга оширади. Яқин келажакда одамлар сунъий интеллект туфайли қўшимча имтиёزلардан фойдалана бошлайди.

Ҳозирги кунда мустақил ёки масофавий тарзда таълим олишни хоҳловчилар сони ортиб бормоқда. Фойдаланувчилар ўз бўш вақтларидан келиб чиқиб, таълим олиш учун эркин график танлашни истайди. Ёш олимлар томонидан ишлаб чиқилган сифатли онлайн таълим олиш вақтини эркин танлаш имкониятини тақдим этувчи платформа бунда қўл келади. Айтиш жоизки, онлайн таълим учун "Blockchain" технологияси асосидаги сунъий интеллектга асосланган платформа юртимизда мавжуд эмасди. Демак, бозор учун янги хизмат тури ҳисобланади.

Сунъий интеллект томонидан бошқариладиган мазкур платформа ўқув-



чининг тайёргарлик даражаси ва ахборотни идрок этишнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, унга мос дастурни танлайди. Мавзулар юзасидан тестлар тузиб, билим даражасини текшириб боради. Ўқувчининг тестдаги хатоларидан келиб чиқиб, айнан ўша хато қилган мавзусини яна қайта ўзлаштиришни таъминлайди ва тестни хатосиз бажарсагина кейинги мавзуларга ўтишга рухсат беради.

Бозор иқтисодиётига асосланган кучли рақобат шароити кадрлардан ўз устида доимий ишлашни тақозо этади. Доимий иш жойига эга бўлган ходимлар эса қаттиқ ва ўзгармас таълим графигини танлашда муаммоларга дуч келмоқда. Онлайн таълим ва масофавий таълим учун мослашувчан платформа ўқувчига вақт ва жойини эркин танлаш имкониятини яратиб беради. Ўқитувчилар ёки бизнес тренерлар ўз курсларини мазкур платформага жойлаштириши ва бу орқали

даромад олиши ҳам мумкин. Имконияти чекланганлар учун катта қўлайлик саналган платформанинг яна бир афзаллиги, таълим сифатини пасайтирмасдан операцион харажатларни камайтиради.

Маълумотларга кўра, 2035 йилга келиб, сунъий интеллект йиллик глобал иқтисодий ўсиш суръатларини икки баравар ошириши мумкин. "RobotsAndMe" жамоаси бу ишланмаси доирасида эндиликда робототехника, веб-дастурлар яратиш, компьютер саводхонлигига қизиқувчи ёшларни ўз атрофига жамлайди. Бу эса янги ғоялар яратишда муҳим омил бўлади. Ҳатто нуфузли халқаро олий таълим муассасалари олимлари ва тадқиқотчилари ҳам мазкур платформа орқали ўз ишланмаларини кенг оммага намойиш қилишлари, улар билан интеграциялашган ҳолда маҳорат дарсларини ташкил қилиши мумкин. Янгича қараш билан камолга

**“СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ОЛАМИ МУҲАНДИСЛИК ВА КОМПЬЮТЕР ИМКОНИЯТЛАРИ ҲИСОБИГА КАТТА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ҚУДРАТИГА ЭГА БЎЛИБ БОРМОҚДА. ТАДҚИҚОТЧИЛАР ФИКРИЧА, БУНДАЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА БОШҚА ҲАР ҚАНДАЙ ЭРИШИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЮТУҚЛАРДАН КЎПРОҚ ТАЪСИР КЎРСАТИБ, ГЛОБАЛ ИНҚИЛОБ ДАРАЖАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ. ЯҚИН КЕЛАЖАКДА ОДАМЛАР СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТУФАЙЛИ ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАЙДИ.**

етаётган Янги Ўзбекистон ёшлари Учинчи Ренессанс сари дадил қадам ташлашида ҳам ушбу платформа муҳим аҳамиятга эга.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз 2021 йил 17 февралда “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Мазкур ҳужжат ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун қўлай муҳит яратиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқишда муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, хавфсизлик ва шаффофликни

белгилловчи норматив-ҳуқуқий база ҳам саналади.

Соҳада амалга оширилаётган иштибоқли чора-тадбирлар сабаб инновацион бизнес-моделлар, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш усуллари ривожланиши учун қўлай ва мақбул тизим яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 2023 йилда имконияти чекланган инсонларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичи уч баробар ортини қутилмоқда. Масофадан ишлаш имкониятининг ортини, ишнинг мослашувчан графикага асосланганлиги, робот қўллар ва оёқлардан фойдаланишнинг қўлайлиги мана шундай натижаларга йўл очади.

Одамларда қўлайлик, тезкорлик ва аниқликка бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ортиб бориши эса инноваторларни, ишлаб чиқарувчиларни доимий равишда янгиликка ундайди. Изланувчилардан эса янгидан-янги технологияларни қўтиб қоламиш.

## ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



**Озода МАҲМУДОВА,**  
Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бошлиғи

### Бирламчи бўғин — асосий бўғин

Юртимизда тиббиётга эътибор халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, пировардида, одамларни юртимиздаги ислохотлардан рози қилишга қаратилган.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида 2021 йилдан Тараққиёт стратегияси доирасидаги 5 та асосий вазифадан бири аҳолининг сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамровини ошириш, одамларга янада яқинлаштириш эканини алоҳида таъкидлади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда бирламчи тиббиёт бўғинининг ўрни жуда муҳим. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур соҳанинг ривожланишида катта туртки бўлди. Жиззах вилоятида ушбу ҳужжат ижроси доирасида 2021 йилда 1 та оилавий поликлиника ҳамда 7 та оилавий шифокорлик пункти ташкил этилган бўлса, жорий йилнинг якунига қадар яна 9 та бирламчи тиббиёт муассасаси фаолияти йўлга қўйилади. Шунингдек, вилоятнинг 63 та оиласи ва чекка маҳалласига 63 та махсус контейнер ўрнатилиб, маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этиш орқали 35 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бошланди.

# ЎЗГАРИШЛАРНИ ОДАМЛАР ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ҚИЛЯПТИ

Вилоятдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолини хатловдан ўтказиш учун 701 та тиббий бригада ташкил этилди. Уларга 701 шифокор ва 2804 нафар ўрта тиббиёт ходими жалб қилиниб, маҳаллий бюджет ҳисобидан планшет, мобил тиббий диагностика воситалари, тарози, пульсоксиметр, тонометр, ЭКГ аппаратлари олиб берилди. Тиббий бригадалар томонидан вилоят аҳолининг 1 миллион 345 минг 720 нафари ёки 95,4 фоизи хатловдан ўтказилди ва тўрт гуруҳга ажратилди.

Энди аҳоли мана шу гуруҳларга мансублиги бўйича мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиб борилади. Бунда асосий эътибор ўрта ва юқори хавф гуруҳига қаратилиб, маҳаллий ва марказий тиббиёт муассасаларида стационар консерватив даво, муайян жарроҳлик амалиётлари

инвестиция дастурига киритилиб, республика бюджетидан 42 миллиард сўм ажратилди.

Объектда шу кунгача 30 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шунингдек, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб мазкур илмий марказ Жиззах филиалининг қабул-диагностика бўлимида “Emergency department” тизими асосида қўшимча шок палатаси — “қизил” зона (ўта оғир ҳолатдаги беморлар учун), кузатув палатаси — “сарик” зона (биринчи ёрдам берилиб, аҳоли кузатувда бўлган беморлар учун) ва мутахассислар кўриги хоналари — “яшил” зона (ўзи юриб келадиган беморлар учун) ташкил этилди.

Бу, энди оғир касаллар тўғридан-тўғри қизил зона — шок палатасига, мутахассислар кўригига келганлар яшил зонага ва шифокорлар

кузатувидагилар сарик зонага йўналтирилади, дегани.

Вилоят тиббиёти тарихида жорий йилда икки марта РШТЭИМ Жиззах филиалида буйрак кўчириб ўтказиш ноёб жарроҳлик операцияси амалга оширилди. Бундай мураккаб амалиётлар дунёнинг санокли давлатларида ўтказилади. Трансплантология тиббиётнинг энг мураккаб ва аини пайтда талаб юқори йўналишларидан бири. Олдинлари беморлар катта маблағлар эвазига хорижда жарроҳлик амалиётини ўтказишга мажбур эди. Бизда ушбу жарроҳлик амалиётлари, жарроҳликка тайёрлаш босқичидаги айрим харажатлар инобатга олинмаса, бепул. Вилоятда шундай жарроҳликка муҳтож 180 нафарга яқин бемор бор. Уларда босқичма-босқич текширувлардан кейин жарроҳлик амалиётлари ўтказилипти.

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази — РИКИАТМнинг Жиззах филиали ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. 2017 йилда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳузурида 20 ўринга мўлжалланган кардиохирургия биноси қурилиши бошланган эди. Давлатимиз раҳбари Жиззахга ташрифи чоғида мазкур

**“ВИЛОЯТДАГИ БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИДА АҲОЛИНИ ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИШ УЧУН 701 ТА ТИББИЙ БРИГАДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРГА 701 ШИФОКОР ВА 2804 НАФАР ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМИ ЖАЛБ ҚИЛИНИБ, МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАН ПЛАНШЕТ, МОБИЛЬ ТИББИЙ ДИАГНОСТИКА ВОСИТАЛАРИ, ТАРОЗИ, ПУЛЬСОКСИМЕТР, ТОНОМЕТР, ЭКГ АППАРАТЛАРИ ОЛИБ БЕРИЛДИ.**

ўтказилади, тиббий ёрдам, реабилитация ва соғломлаштириш, зарур ҳолларда тор мутахассислар иштирокида хонадон шароитида амбулатор даво чоралари кўрилиши таъминланади.

### Ноёб мураккаб жарроҳлик амалиётлари

Жиззахда бугунги кунда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан олпитасининг филиали ташкил қилинган. Улар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, юқори технологияли муолажаларни амалга ошириш йўлга қўйилган. Натижада вилоят аҳолисининг республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда қўшни вилоятларга даволаниш учун қатнови 75 фоизга камайди.

Президентимиз 2018 йил 30-31 март кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалидаги қурилиш-реконструкция ишлари билан танишиб, топириқлар берган эди. Шундан сўнг марказга янги бино қуриш ва жиҳозлаш



бўлим қурилиши билан танишиб, марказнинг 100 ўринли вилоят филиалини ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берди. Бугун ушбу филиалда беморларнинг стационар даволаниши ва диагностикаси учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Юрак-қон томир касаллиги билан боғлиқ барча мураккаб юқори технологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб келинмоқда. Аини пайтда филиалда нафақат вилоят аҳолиси, балки қўшни вилоятлар ва мамлакатлар фуқароларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилди.

### Сарф-харажатлар 10 кунда шифохонага тўлаб берилляпти

Мамлакатимизда давлат тиббий сўғуртаси тизимига босқичма-босқич ўтиш ва ушбу тизимга тайёргарлик қўриш жараёнлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Жиззахда ҳам ушбу тизимга ўтишга тайёргарлик бошлаб юборилган. Жумладан, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан шартнома имзолаган. Шу кунга қадар филиал томонидан имтиёзли гуруҳга мансуб 100 нафарга яқин беморда юқори технологик, мураккаб операциялар ва даволаш тадбирлари ўтказилди. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан имтиёзли тоифага мансуб 8 нафар беморда киймати 216 миллион сўмлик чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш амалиёти бажарилди. Жамғарма томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли гуруҳга мансуб аҳоли вакилларига кўрсатилаётган бепул тиббий хизмат халқимиз томонидан илиқ қўтиб олинди.

Дарҳақиқат, бугун давлат тиббий сўғуртаси тизимида халқимиз, аниққса, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатлами жуда ҳам рози. Сўғурта тизимида бемор поликлиникалардан берилган йўлланма асосида ҳеч қандай тўловларсиз, навбат кутмасдан шифохонага ётқирилишти ва зарур тиббий хизматлар, барча сарф-харажатлар шифохона томонидан амалга ошириляпти. Даво тогган бемор шифохонадан чиқиб кетган, у бўйича тўлдирилган далолатнома шифохона масъуллари томонидан Давлат тиббий сўғуртаси жамғармасига юборилляпти ва ҳужжатлар барча параметрларга жавоб берса, кетган сарф-харажат 10 иш кунда шифохонага тўлаб берилляпти.

Вилоятдаги 4 та нодавлат тиббиёт муассасаси имтиёзли тоифага мансуб аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан шартнома тузиш истагини билдирди.

Энг асосийси, тиббиёт соҳасидаги ижобий ўзгаришларни халқимиз ўз турмуш тарзида ҳис қилляпти. Буларнинг барчаси тиббиётдаги ислохотлар самарасидир.





# “Ипак йўли дурдонаси”

## Уч қитъани бирлаштирган анжуман



Шоҳира РАУФБОЕВА,  
журналист

Ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ иттифок раҳбарияти тинчликпарварлик сиёсати асосланган қатор йирик анжуманлар ўтказишни йўлга қўйганди. Аслида 1958 йилда ҳам бир маротаба Осиё ва Африка халқлари кинофестивали бўлиб ўтган. Орадан ўн йил ўтиб, Бутуниттифок кино арбоблари уюшмаси ташаббуси билан Тошкентда “Тинчлик, ихтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун” шiori остида мазкур фестивални анъанавий тарзда ўтказишга қарор қилинди. 1976 йилдан бошлаб фестивалга Лотин Америкаси кинематографлари ҳам қўшилган.

Фестиваль ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилган. Фақат икки маротаба — 1970 ва 1990 йиллардагина бу анъана муайян сабабларга кўра бузилган. Азалдан фестивалнинг асосий мақсади фильмларни танлов асосида саралаш бўлмаган. Шунга қарамай, кейинчалик жамоат ташкилотлари томонидан энг яхши фильмлар учун махсус мукофотлар ва дипломлар таъсис этилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ушбу фестиваль охириги маротаба 1997 йилда ўтказилган эди.

### Йигирма тўрт йилдан сўнг...

Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 19 июнда қабул қилинган “Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, 1968–1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказиб келинган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали, “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланди.

Мазкур тарихий қарорда кинофестиваль доирасида хорижий мамлакатлар кино кунларини ташкил этиш, Осиё қитъаси ва қадимий Ипак йўли бўйлаб жойлашган мамлакатлар ёш киносоздорларининг қисқа метражли фильмлари фестивалини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва бошқа қатор илмий, маданий-маърифий тадбирлар уюштирилиши белгиланган.

24 йиллик танаффусдан сўнг 2021 йил 28 сентябрдан 3 октябргача “Ипак йўли дурдонаси” XIII Тошкент халқаро кинофестивали катта тантана билан ўтказилди. Кинофестивалда 40 га яқин давлатдан 350 зияли киносоздор таъриф буюрди. “Янги авлод киноси” ва “Кино 5 кунда” лойиҳалари асосида тақдим этилган ўнлаб фильмлар кинофестиваль павильонларида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди.

“Жаҳон киноси кунлари” доирасида Ўзбекистон бўйлаб 14 та мамлакат киноси кунлари ўтказилди.



Жорий йилнинг 13–18 сентябрь кунлари “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Тошкент аввал ҳам турли анжуманлар, йирик санъат ва спорт байрамларига мезбонлик қилган. Ана шундай тадбирлардан бири ўз вақтида довруғи жаҳонни тутган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали эди.

Юртимизнинг 10 та шахридаги 20 та кинотеатрда 150 га яқин хорижий ва миллий фильм намойиш қилинди. Кинофестиваль кунлари доирасида Тошкент шаҳрида С.А.Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти филиали ташкил этилди.

Ўтган йили мазкур фестиваль доирасида Ўзбекистон Миллий кино музейи ҳамда Миллий кино фонди янги биноларда иш бошлади. Алишер Навоий номидаги кино саройи негизда Киночилар уйи ташкил қилинди. “Ўзбекфильм” киноконцернининг замонавий биноси тақдими ўтказилди.

### Янги Ўзбекистонда иккинчи бор...

“Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалига жорий йилда ҳам қизгин тайёргарлик кўрилди. 2022 йилнинг 13–18 сентябрь кунлари ўтган кинофестивалда дунёнинг 35 давлатидан 400 дан ортиқ киносоздор, актёр ва актриса, режиссёр ва оператор, продюсер ва таҳлилчи, киносуну олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кинофестиваль арафасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларида янги кинотеатрлар ишга туширилди. Жўмладан, пойтахтимизда 1500 ёш киносоздорни ўз бағрига оладиган кинокластер бунёд этилди. Бу ерда нафақат миллий ва хорижий фильмларни замонавий технологиялар воситасида томошабинларга намойиш этиш, балки фильмлар суратга олиш, улари ишлов бериш, овозлаштириш, беази, шунингдек, турли ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари, тақдиротлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. 400 ўринли ёзги кинотеатр, Киночилар боғи барпо этилди.

Бу йилги кинофестивалнинг очилиш маросими ҳам Киночилар уйида бўлиб ўтди. Маросимда дунёга машhur киносоздор, актёр ва актриса, кинотанқидчи, продюсер ва режиссёр, оператор ва расом, 1500 га яқин киномухлис тақлиф этилди.

Анжуманга таъриф буюрган ўнлаб делегациялар сафида Люк Бессон (Франция), Такеши Китано (Япония), Кшиштоф Занусси (Польша), Хемма Малини, Зинат Омон (Ўзбекистон), Бурак Ўзчиов, Нургул Яшилчай, Азра Акин, Мурат Айдин, (Туркия), Таукел Муслим (Қозғистон), Тимур Бекмамбетов, Сергей Безруков (Россия) сингари 50 дан зияли киносоздор кинофестиваль “қизил йўлаги”дан ўриб ўтди.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Президентининг кинофестиваль катнашчилирига табриги ўқиб эшитирилди. Унда, жўмладан, бундай дейилади: “Сизлар фестивал кунлари кино соҳасидаги ишхўшларимиз билан танишиб, бу борадаги ишларимиз самарасини ошириш бўйича фойдали тақлифларингизни билдирасиз, деб умид қиламиз. Бугун ўз ишини бошлаётган кинофестиваль самимий учрашув ва мулоқотлар, қизгин баҳс-мунозаралар, қўлаб янги бадий асарлар тақдими томонидан барча иштирокчилар фаолиятида, Ўзбекистон маданияти ва санъати ривожига муносиб из қолдиришига ишонаман”.

### Ўз элликдан ортиқ тадбир...

Дарҳақиқат, кинофестиваль доирасида ўтказилган барча тадбирларнинг умумий сони 150 дан ошади. Улардан бири “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти киноси кунлари” бўлди. Хабарингиз бор, кинофестиваль



билан деярли бир пайтда 15-16 сентябрь кунлари юртимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги йигилиши ўтказилди. Мазкур саммит Ўзбекистон тарихидаги энг йирик халқаро анжуманга айланди.

Шу боис, кинофестивалда ҳам ШХТ мамлакатлари кинематографиясига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиз кинотеатрларида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон сингари давлатлар киноусталари томонидан яратилган энг сара фильмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Жойларда ушбу мамлакатлар кино ижодкорлари билан ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ўтказилди.

“Жаҳон киноси кунлари” доирасида мамлакатимиз бўйлаб 22 та давлатнинг кино кунлари ўтказилди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўзбек киносоздор



корлари томонидан суратга олинган “Бир кунлик тўй”, “Ким деяи сени?”, “Барон-2. Согинч”, “Аёл қисмати”, “Муҳаббат баҳори”, “Афв” сингари қатор фильмлар намойиш қилинди. Жойларда маҳаллий ва хорижий киносоздорлар иштирокида ўтган ижодий мулоқотлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Кинофестиваль доирасида ўтган ТУРКСОЙ кино форуми, ишбилармонлар учрашуви, “Жаҳон мамлакатлари киноси: тарих ва ривожланиш интиқболлари” мавзусидаги анжуман, “Дунё мамлакатларининг кинематография соҳасидаги қонунчилиги: ишлаб чиқариш ва кинопрокатни давлат томонидан қўлаб-қувватлаш масалалари” мавзусидаги мулоқотларда хорижий мамлакатлар вакиллари иштирокида ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан келишиб олинди.

— Ўтган йилги кинофестивалда “Ўзбекфильм” киноконцернига хориждан қиймати 30 миллион евролик замонавий кинотехника келтирилиши маълум қилинган, — дейди киноконцерн директори Баҳром Одилов. — Бу йилги фестиваль кунлари ушбу техниканинг яқинда келтирилган 3,5 миллион еврога тенг қисми намойиш қилинди. Мазкур техника “Ўзбекфильм”да суратга олинаётган “Баҳодир Ялангтўш” бадий фильмида илк бор ишлатилди. Киноконцернда улар ёрдамида хизмат кўрсатиш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Анжуманда 2000 нафардан ортиқ ёш иштирокида таълим дастурлари ҳам ўтказилди. Жўмладан, жаҳон киносининг Кшиштоф Занусси, Такеши Китано, Хонг Санг Ву, Хуан Антонио Мартинес, Люк Бессон, Гоша Куценко, Жонни Депп сингари атоқли вакиллари иштирокида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

### Ҳамкорликдаги кинолоийҳалар

Сўнгги йилларда ўзбек кинематографиясида ко-продукциялар — ҳамкорликдаги кинолоийҳаларни суратга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган икки йил ичида “Парининг совғаси”, “Кўёш таъми”, “Барон-2. Согинч” сингари бадий, ўндан ортиқ ҳужжатли фильм суратга олинди.

Ўтган йили Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тақлифига биноан Ўзбекистон Кинематография агентлиги ва “Тожиқфильм” давлат муассасаси ҳамкорлигида “Жомий ва Навоий” бадий фильмини суратга олиш бўйича меморандум имзоланган эди. Ўтган бир йил мобайнида икки давлат олимлари ва киноусталари ҳамкорлигида фильмнинг адабий киносценарийси

танлови бўлди. Ўтган йили илк бор ўтказилган бу танловда 25 давлатдан ёш кино усталари қатнашган бўлиб, яқиний натижаларга кўра, ўзбекистонлик ёш режиссёр Шерзод Ҳасанов ишлаган “Ипак йўлида” қисқа метражли фильми 1-ўринга муносиб кўрилган эди.

Жорий йилда танлов учун дунёнинг 18 та йирик киномактабида таҳсил олаётган ёшларнинг кинолоийҳалари саралаб олинди. Улар учун мамлакатимизнинг турли худудларидан локациялар белгиланди. Беш кун ичида фильм суратга олиш учун зарур техника ажратилди, шарт-шароитлар яратиб берилди. Иштирокчилар ўзлари суратга олган 18 та ижод намунасини саккиз давлатдан таъриф буюрган нуфузли ҳакамлар ҳайъати тақдим этди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин ўзбекистонлик режиссёр Темуր Муродовнинг “Кассета” номли қисқа метражли фильмига берилди ва 15 минг АҚШ доллар пул мукофоти билан тақдирланди. 2-ўрин ва 10 минг АҚШ доллар “Тупрок” фильми учун қирғизистонлик Нариман Тактакуловага насиб этди. 3-ўрин ва 7 минг АҚШ долларига тенг пул мукофоти канадалик Феликс Калменсоннинг “Кўёш учун қўшиқ” фильмига берилди.

### Эллар ва диллар бирлашди

18 сентябрь куни “Ўзбекфильм” киноконцерни павильонида “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросим кинофестиваль иштирокчилари ва меҳмонларининг анъанавий “қизил йўлак”дан юриб ўтиши билан бошланди. Киноконцерн павильони барча кинофестивалларга хос жиҳозлар, чироқлар, кўргазмалар воситалар билан безатилган.

Бошловчилар ҳар бир иштирокчининг номи тантанавор эълон қилди. Мухлислар уларни олқишлар билан кутиб олди.

— Дарҳақиқат, ҳафта давомида миллий кинематографиямиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзғулик қувончли воқеалар юз берди, — деди тантанада сўз олган Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбасари Азиз Абдуҳақимов. — Бу кинофестиваль олдингисига қараганда анча мукамил, жушқин ва кўтаринки руҳда ўтганини ҳар биримиз сезиб турибмиз. Чунки бир йил ичида бу борадаги кўникалларимиз ўсди, дунё таърибасини ўргандик. Кинофестиваль доирасида ўзбек кинематографиясини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишхўшотлар, йирик ўзгаришларни халқаро жамоатчилик, жаҳон киносининг атоқли вакиллари ҳам эътироф этгани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шундан сўнг Кшиштоф Занусси (Польша), Такеши Китано (Япония) сингари таниқли кино даргалари Тошкент халқаро кинофестивалининг “Жаҳон кинематографияси ривожига қўшган ҳиссаси учун” махсус мукофоти билан тақдирланди. “Тожиқфильм” давлат муассасаси директори Маҳмасид Шохмён (Тожикистон) ҳамда италиялик кинорежиссёр Ольга Эстрада “Кинематография фидокори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

— Кино бизни ажайиб дунёга етаклайди, — деди Голливуд актери Арманд Ассанте. — Бу соҳада кўпдан буён фаолият кўрсатиб келаман. Ўзбекистонда кинематография ривожини Президент эътиборида экани диққатга сазовордир. Кўп давлатларда бўлганман. Ўзбекистон жуда ажайиб мамлакат. Бу юрт юрагимдан жой олди. Уни ёрқин хотиралар билан ёдга олам.

Кинофестиваль мадҳияси садолари остида XIV Тошкент халқаро фестивали байроғи туширилди. Яна бир халқаро кинофестиваль ўзбек миллий кинематографияси тарихининг ёрқин саҳифаларидан жой олди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-960.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон қўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улугмуродов  
Мусахҳиш: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар қўчаси, 32-уй

Ўза яқуни — 21:05 Топирилди — 22:35